

ТАСДИҚЛАЙМАН

Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги ва
уругшунослиги маркази директори
Б. Мамарахимов



2022г

ТЕХНИК ВАЗИФА

“Навдорлик стандарти талаблари асосида янги ва истиқболли ғўза навларининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва етиштириш ҳудудига мос агротехнологияларини яратиш” лойихаси дойрасида Ғўза экинининг агротехник тадбирларини ва ургини кўпайтириш буйича

Тошкент -2022

ТЕХНИК ВАЗИФА

Ғўза экинининг агротехник тадбирларини ва уруғини кўпайтириш бўйича

1. Бажариладиган ишнинг номи ва мақсади

Ушбу техник вазифа (талаб) Сурхондарё вилояти Денов тумани Нурбек Мирзо-Мухаммад фермер хўжалиги дала майдонида ғўзанинг Равнақ-1 ғўза навининг агротехник тадбирларини бажариш ва лита уруғини кўпайтириш.

2. Техник талаблар

Бирламчи уруғчилик хўжалгидаги 23 та кўчатзор ташкил қилинади. 1 чи кўчатзорида 1500 та ойла ташкил қилиниб ҳар бир ойладан 40 тадан ўсимлик қолдирилади. Ўсув даврида дала кўриклари бажарилиб бегона ўсимликлар сони меёрдан ошганда ойла тўлиқ брак қилинади. Вегетация охирида 3 чи йил кўчатзори учун 700 та ойлавий намуналар териб олинади. Ойлавий намуналарнинг тола сифати, тола чиқими, чигит чиқими битта кўсак оғирлиги, битта ўсимлик ҳосилдорлиги ва ойла бўйича ҳосилдорлик аникланиб 2 чи йил кўчатзор учун 400 та ойла танлаб олинади. 3 йил кўчатзорида ҳар бир ойлада 2%дан ортиқ навга хос бўлмаган ўсимликлар мавжуд ойлалар бракка чиқарилади. 2 йил кўчатзоридан якка танлов, синов, ойлавий, терим намуналари олинниб жами 225000 донагача тахлиллар бажарилади.

3. Бошқа шартлар

Агротехник тадбирларни ўтказиш учун камида 50 гектар ғўза майдони ажратилиши, қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминланган бўлиши: чопик трактори, чигит экиш сеялкаси, ғўзанинг қатор оралиғини ишлов бериш култивацияси, селекцияни йўналишини тушунадиган мутахасис ва техник лаборант ходимлардан иборат бўлишлиги. Равнақ-1 элита ғўза уруғидан 10 тн таёrlаниши.

4. Хавфсизлик талаблари

Ишчи ходимлар техника ва меҳнат хавфсизлигини курсидан ўтиши ва билишлари кераклиги.

5. Иш шартлари ва қабул қилиш тартиби

Қабул қилиш Буюртмачи томонидан тайинланган комиссия томонидан амалга оширилади,

Бажарувчиниг худудида. Тажриба натижаларига кўра, маҳсулот текширилади, тозалиги ва қуруқ жойда сақланганлиги этиборга олинади. Маҳсулотни барча босқичларда қабул қилиш ишни қабул қилиш ва топшириш акти билан расмийлаштирилади.